

Бойсун тумани пахтакорлари қабул пунктлариغا 505 тонна хомаш ётказиб бериб, Сурхондарё вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажарди. Адирлик ва сайхон ёрларда, мураккаб иқлим шароитида деҳқончилик қилган «Бойсун», «Сай-роби», «Работ» ширкат ҳўжаликлари, шунингдек ўттизга яқин фермер ҳўжалиги туман пахта хирмонида салмоқли улуш қўшди.

Айни пайтда вилоятда йиғим-терим ишлари қизғин бормоқда. Сариссий туманидаги «Сариссий» ширкат ҳўжалиги пахтакорлари ҳам давлатга 360 тонна сара ҳосил топириб, илғорлар сафига қўшилди. (ЎЗА)

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 24 сентябр, шанба № 157 (1998)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 сентябр кун Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Ивановни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро муносабатлари стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган. Бунда 2004 йилнинг июн ойида Россия раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ислам Каримов ва Владимир Путин томонидан имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома муҳим ўрин тутди. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилган. Бу алоқалар ҳарбий техника етказиб бериш, ҳарбий

маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳарбий таълим, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ахборот алмашиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон ва Россия президентларининг келишувларига мувофиқ, мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақамлаш, террорчилик ва экстремизмга, наркобизнес ва трансмилийл уюшган жиноятчиликка, қурол-ярроқларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш борасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ҳамкорлик доирасида 21-23 сентябр кунлари «Фориш» полигонидида илк бор Ўзбекистон ва Россия қуроли кўчларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди. Бу машқлар Ўзбекистон-Россия муносабат-

лари янги сифат касб этаётганидан далолатдир.

Бу машқлар муҳим халқаро аҳамиятга ҳам эга. Афғонистонда наркотик ишлаб чиқариш суръати ва ҳажми ошиб бораётгани сир эмас. Ундан олинган даромадининг асосий қисми халқаро террорчилик ва диний экстремизмни қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон билан Россиянинг қўшма машқлари террорчилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни тақомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон ва Россия ҳарбийларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди. Бу машқларимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустақам-

лаш йўлидаги мақсад ва манфаатлари муштараклигидан далолат экани таъкидланди.

Ўзбекистонга ташрифини нафақат ушбу машқлар билан боғлиқ, балки ривожланиб бораётган алоқаларимизнинг яна бир белгиси ҳамдир, - деди Ислам Каримов учрашувда. - Аслида ҳамкорлик муносабатлари мана шундай тадбирлар билан тараққий этиб боради.

Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили имзоланган шартнома муҳим ва ўз вақтида қабул қилинган ҳужжат эканлигини ҳам таъкидлади.

Сергей Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди, Россия Ўзбекистон билан бу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантириб бораверишга тайёр эканлигини алоҳида қайд этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республиканинг уй-жой-коммунал ҳўжалиги соҳасида бозор муносабатлари изчиллик билан тадбиқ этилмоқда. Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база мустақамлашмоқда, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг мулкдорлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлашдан олинган маблағлардан оқилона фойдаланишига қаратилган фео-

марказлаштирилган исотиш ва иссиқ сув таъминоти тўғрисидаги қўшма қўллашга ўтиши бўйича ҳаракатлар дастурини амалга ошириш;

коммунал хизматларнинг рақобат бозорини шакллантириш, хусусий корхоналарнинг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иштирокчини кенгайтириш, барча истеъмолчиларни энергия ва сув ҳўсобидаги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш асосида энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш борасида тизимли чора-тадбирлар бажарилишини таъминласин.

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2006 йилда марказлаштирилган исотиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар тарифларининг миқдори 10 фоиз бўлган фарқини иссиқлик таъминоти корхоналарига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2006 йилги Давлат бюджетининг параметрларида аҳолига марказлаштирилган исотиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича кўрсатиладиган хизматлар тарифларидаги фарқларни қўллашга маблағларни назарда тутиш;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда энергияни тежайдиган технологияларни тадбиқ этиш, қозонхона ускуналарини, иссиқлик тармоқларини қاپтал таъмирлаш ва қузғи-қийш ишотиш мавсумига тайёргарлик тадбирларини ўтказишга Давлат бюджетини ҳисобидан ажратилмайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

4. Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари республика аҳолисига, биринчи галда қузғи-қийш даврга, яхши турмуш шароитини таъминлаш, кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун маблағлар тўлиқ йиғиб олиниши ва тарифларнинг асосий ошрилишига йўл қўйилмаслиги, шунингдек, марказлаштирилган исотиш ва иссиқ сув таъминоти бўйича хизматлар босқичма-босқич ўзини-ўзи қўллашга ўтказилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида оғоҳлантирилсин.

2005 йилнинг 1 январидан аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар учун қўйилган қиймат солиғи бўйича «нулинчи» ставка жорий этилган, бу эса коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг сарф-харажатларини камайтириш ва тарифлар ўсишини чеклаш имконини берди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси:

2006 йил мавбанида коммунал хўжалиги корхоналарини молиявий ва техник жиҳатдан реструктуризация қилиш, 2007 йилдан бошлаб аҳолига хизмат кўрсатадиган

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни қўллаш тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сонли Фармони-нинг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 сентябр

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Россиянинг халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги доирасида 21-23 сентябр кунлари мамлакатимиздаги «Фориш» полигонидида қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди



Халқаро терроризм инсоният бошига қора қўланка ташлаб турган бир пайтда унга қарши кенг қамровли кураш олиб бориш ҳақон ҳамжамияти олдиди. Ҳолант вазибалардан-дир. Сўнги йилларда дунёнинг кўп қисми давлатларида, жумладан мамлакатимизда содир этилган террорчилик ҳуружлари, хусусан, шу йилнинг май ойида Андижонда рўй берган қонли воқеалар ҳар биримизни янада оғоҳ ва сергак бўлишга ундайди. 2004 йилда Россия президентининг мамлакатимизга ташрифи чоғида Ислам Каримов ва Владимир Путин муносабатлари ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ушбу ҳужжат ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

«Фориш» полигонидида икки мамлакат қуроли кўчларининг қўшма антитеррор тактик машқларининг ўтказилиши ҳам бу йўналишдаги ҳаракат ва мақсадларимиз муштарак эканини яна бир қарра исботлади. Машқларга Ўзбекистон ва Россия Қуроли кўчларининг қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди.

Ҳарбий машқлар учун айнан тоғли ҳудуддаги «Фориш» полигонини бежиз танланган йўқ. Чунки террорчи тўдани мамлакатларимиз сарҳадларини кўп қисми тоғли ҳудудлар орқали бузиб ўтишга уринганини биламиз. Ўзбекистон билан Россия антитеррор ўқув-машқи катнашчилари гўёки тоғ ҳудуди орқали «бостириб кирган террорчилик тўдасини» топиб, йўқ қилиш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган махсус операцияни амалга оширди. Машқлар давомида ҳар икки томон ҳарбийлари жанговар топшириқни бажаришда мавжуд қуроладан фойдаланиш маҳоратини намойиш этди.

«Террорчилик тўдасини» топиш ва йўқ қилишда авиация ҳам бу йўналишдаги қўшма антитеррор тактик машқлари ўтказилди. Қийин тоғ шариотида ва «тинч аҳоли яшайдиган манзил»да амалга оширилган бу машқларни ҳар иккала то-

моннинг ҳарбийлари аъло даражада удралди. Машқларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Ғулломов, Россия Федерацияси мудофаа вазири Сергей Иванов кўздан ўтказди. Россия мудофаа вазири машқлар ҳақида ўз таассуротларини баён этаркан, Ўзбекистон ҳарбийлари юксак маҳоратини намойиш қилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида илк бор ўтказилган ушбу машқларда ҳарбийларимиз бир-бирларини тўлиқ тушуинган ҳолда ҳаракат қилдилар, айтиш мумкин, катта натижаларга эришилди, - деди С.Иванов. - Терроризмга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш тажрибаси амалда синодан ўтказилди. Бирлашган гуруҳлар қўйилган вазифани бехато ва аниқ бажарди. Ушбу машқлар ҳарбийларимиз бир-биридан ўрганиши мумкин бўлган жиҳатлар ҳам кўп эканлигини намойиш этди. Бундай ҳарбий-ўқув машқларини давом эттириш ниятида.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири



Хушхабарнинг қаноти бор, дейишади. Бир зумда бутун маҳаллага ёйилди бу гап. Аммо Ваҳожон Болтабоев эса ҳеч нарсадан хабарсиз қолаверди. Аксига олиб тушишда бирров уйга бош суқишга ҳам фурсати бўлмади. Бўлмаса даласти шундоқ ҳовлига тўлаш. Атрофга тун пардасини торта бошлаганида юмушдан баъзр қўл узди. Уйга қелиб сўрида ҳамкишлоқларининг гурунлашиб ўтириганини кўриб чохраси ёришди. Бугун улар негидир бошқача, кай-фийтлари чоғ. Йиғилганлар қўл беришиб саломлашиш ўрнига бағрига босишар, елкасига қарс-қарс уриб қўйишарди. Бунга ақли етмаган Ваҳожон хайрати баттар ошарди. Шунинг учун савол назари билан уқаси Муродга боқди.

ХУШХАБАРНИНГ ҚАНОТИ

Сизга муқофот беришибди, - деди у. - Мана газетадан ўқидик. «Шўхрат» медали билан тақдирлашибди. Муборак бўлсин. - Э, шундай демайсизларми, - деди Ваҳожон юзига қизиллик югуриб. - Йиғилиб олганларинга бир гап боров деб ўйлагандим. Ҳамкишлоқларга дастурхон тортидди. Сўхбат қизғин бўлди. Соат миллари саккизга занг урганида, маҳаллада йиғилиш бўлишини эслашиб қолди. Худуддаги мактабда Найман маҳалласи аҳли жамул-жам бўлишганиди. Маҳаллага янги оқсоқол сайлаш учун бўлган йиғин кўпга қўшилмади. Туман ҳокимлиги вакили номзод кўрсатишини маҳалла аҳли ихтиёрига ташлади. Сўхбатни қишлоқ фаолиларидан бири Эркин ака Соипов бузди. У бўлгуси оқсоқол вазифалари ҳақида гапириб Ваҳожон номзодини кўрсатди. - Кишлоқнинг ҳар қандай юмушига тайёрман, - деди сўз олган Ваҳожон қизариб-бўзариб. - Аммо мен оқсоқолликни эғлайолмайман-ов. Фермер бўлсам, бир бўғим далада. Ишончларингни оқлай олмасман. Масала муҳокамасига ки-

ришиб кетган найманликлар бирин-кетин сўз олишди. Уларнинг барчаси Эркин ака фикрини маъқуллаб фақат Ваҳожонга бу шарофат бўлмасар эканлигини эътироф этишди. Эътирозга ўрин қолмаганди. Тун бўйи уйқуси қочиб тўшақда тўлганич қичди. Маҳаллага оқсоқол бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаган экан. Камтарона меҳнати одамлар назарида экан-да. Рухиятда гап қўл. Мана, йигирма кундан ошандиқини, хўроз қичқирганда уйғондиган Ваҳожон паррандалардан ҳам олдинроқ туришга одатланди. Ахир, зиммадаги юмуш шунини тақозо этади-да. Кўёш мўралагунча қишлоқ хотин-қизларидан иборат маддад бригадасига чопиди. Ахир, пахта теримида сурьат керак. Сўнгра ўз далаида ишни ташкил этиши,

Эл ардоқлаган кишилар

идорага бориши, мактаб, бочада кўриниш, хашар дегандек, ҳуллас, кенгча тиним билмайди. Ишларини бир режага солгунча анча азият чеқди. Яхшиям жигарлари бақамти. Улар даладаги хашарчиларга шароит яратаяпти. Энг муҳими, падари бузруквори хамиша йўл-йўриқ кўрсатиб, ёнида. Дарвоқе, Расулжон ҳожи бо-

Болтабоев. - 18 гектар ерга галла эканди. Шартномадан ошқ 20 тонна бугдойни омборга туширганми. Далада ишлаётган ҳар бир аъзоимизни бир йилга еттулик бугдой билан таъминлаганми. Пахта теримига кирришдик. Мудомимиз гектарлар самардорлигини 40 центнерга етказишдан иборат.

Болтабоевларда яхши аънава бор. Далада ишлаётганларга барча шароитни яратиб бериш билан чеқла-нишмайди. Улар моддий манфаатдорлиги учун кўпроқ қайғуришади. Мана бир мисол. Фермер аъзоларнинг барчасига газ, электр энергияси учун ҳақ фермер ҳисобидан тўлаб берилаяпти. Эътиборли жиҳати, бу сарф-харажатлар деҳқон даромадида мутлақо дахли йўқ. Улар белгиланган ойлик маошини тўлиқ олишади. Шунингдек, ҳар бир аъзо пахта ёғи, чорва озуқаси билан бепул таъминлаб қелинапти. Бу эса жамода ютулган кўпайишига, меҳнат унумдорлиги юксалишига хизмат қилмоқда.

Меҳнатқаш инсон ҳеч маҳал эътибордан четда қолмаган. Олдий деҳқон Ваҳожон Болтабоевнинг ҳаракатлари ҳам ўз баҳосини олди. Бу ишонч тадбиркорга қанот бўлди, десак муволага эмас. Ҳам фермерлик, ҳам оқсоқоллик қилаётган Ваҳожон эл юмуши учун ҳаловатдан кенган. Ахир, одамлар унга ишонишади, суянишади. Бундан ҳам ортиқ бахт борми.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Чортоқ-Учқўрган айланма йўли, асосан, тумандаги энг катта Навоий номи ширкат ҳўжалиги далалари бўйлаб ўтган. Шу кунларда бу ерлардан юришининг ўзи роҳат. Қайёқ қарасанг, осмондаги «Сомон йўли»нинг бир парчаси узилиб тушиб қолгандек, чамандаг оқилган пахтазор. Ҳўжаликнинг бир неча бригадаси ушбу йўлнинг ҳар икки томонида жойлашган.

Қайси бир бригада дала шийпонига йўлнинг тушмасин, бу ердаги манзарани кўриб баҳри-дилнингиз очилди. Мевали ва манзарали дараклар соя ташлаган деврили барча дала шийпонларининг саҳидан ариқчалар жилдирайди. Шундай рўпаран-ғизда «бригада томорқаси» деб аталувчи эканзорлар. Бу ерларда сабзи, қарам, бақлажон, пивёз, булғор қалампир-ю, турли дармондори қўқатларгача ўсапти. Биз ушбу манзараларни мириқиб томоша қилиб борарканмиз Сотволди Ҳайитов раҳбарлигидаги бригада дала шийпонини ёнида тўхтадик ва бу ердагилар билан салом-алиқдан сўнг бригадирни суриштирдик.

Бошлигимиз «маънавият хонаси»да бўлсалар керак, - деди хирмонда пахта қуритаётганлардан бири. - Ҳар кун худди шу паллада ўша ерда ишларни ҳисоб-китоб қиладилар. Ҳақиқатан С.Ҳайитов у ерда экан. Энди ушбу хона ҳақида икки оғиз сўз: ёғи шийпон худудиди ёғочдан бунёд этилган ойнаванд бу иморат ўз чироий билан ҳар қандай кишининг эътиборини тортади. Уртадан жой олган столда туман, вилоят ва марказий газета-журналларнинг нусхалари, Махсус тоқчаларда дам олиш соатларида ўқишга мўжлазланган китоблар, радиоускуна, мамлакатимиз мустақиллигига оид плакатлар. Ўзбекистон маҳдйаси ва байроғи суратлари деворга осиб қўйилган. Бригадир шу ерда бажаришларини ҳисоб-китоб қилиб, навбатдаги иш режасини белгилаётган экан.

Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

Одатдаги салом-алиқдан сўнг йиғим-теримнинг боришини суриштирдик. - Йиллик режага нисбатан 300 фойздан ортиқ пахта тайёрлашга эришидик, - деди бригадир. - Кўнуга 4,5-5 фойз

тўлди. Айниқса, шийпонлардаги «маънавият хоналари» бизда катта таассурот қолдирди. Зеро, юртбошимиз уқтирганлардек, маънавияти оқсоқ халқнинг келажиги йўқ. Олис ўтишиш ва маънавияти неча минг йилликларга уландиган ўзбек халқи эса бу борада ҳар қанча фахрланса арзийди. Шунини инобатга олганда, ҳўжаликнинг юқоридида номлари тилга олинган бригадаларни, умуман йиғим-терим юқори суратлар билан бормоқда ва кўнуга 4-4,5 фойз миқдориди

ШИЙПОНДА МАЪНАВИЯТ ХОНАСИ

миқдориди ҳосил тайёрлаяпти. Шунингдек, сўхбатдошимиз таъкидлашча Моҳира Мўминова, Ходиса Алибоева, Ҳамида Юсупова, Абдували Юсупов каби илғор теримчилар кўнуга 150-200 килограмдан пахта теришга эришапти. Бригада ошхонасидаги ошпаз Олимай Охунов фаолияти ҳам бизда яхши таассурот қолдирди. Шийпон ёнгина-сидида ва ҳовуз бўйидаги ошхона озода. Қайёқ қараманг, саранжом-сарини-талиқ. Вақт тушишга яқинлашгани учун қозонда овқат, самоварда сув биқирлаб қайнапти. - Иссиқ овқат бепул, - деди Олимай Охунов бригадасидаги томорқасидан чиқди. Гўшт, ёғ, макарон ва гуруч эса бригада жамғармасидан берилди. Шу боис эрта баҳордан кеч қузғача қозонимиз беминнат қайнапти. Шу кун Оқилжон Дадабоев, Анваржон Шарипов, Зафаржон Маҳкамов ва бошқа бригадор бригадаларнинг далаларида бўлганимизда ҳам пахтакорларга яратилган шарт-шароитлардан кўнглимиз

ҳосил тайёрланмоқда, ҳўжалик эса фақат Учқўргонда эмас, Наманган вилоятида ҳам илғорлар каторида кетаяпти. - Истиклолимизнинг 14 йиллиги биз учун барча соҳада баракали келмоқда, - дейди қайтишимиз олдидан сўхбатлашганимизда, ҳўжалик бошқарувининг раиси Турдали Жумабоев. - Пиллачилик ва дончилик бўйича белгиланган режалар ортиғи билан адо этилди. Амалдаги йилда 850 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ўтган йилдан 200 тонна кўпроқ, ёки 3 минг тонна ҳосил тайёрлашни қўлга кирдик. Бу гектар бошига 40 центнердан ортиқ, демакдир. Далада ишлаётганлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Терилган пахтага белгиланган ҳақ ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб боришмоқда. Масалан, сўнги беш кунликда пешкадам оилавий пудратлардан 150-200 минг сўмгача пул олишди. Мақсадимиз 10 октябргача йиллик режани бажариб, келгуси йил ҳосили учун зарур ҳозирлик қилиб қўйишдик. О.ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири


Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда? КРЕДИТ ҲИСОБИДАН янги иш ўринлари

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Шахрихон туман бўлими томонидан кейинги йилларда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боисдан бўлса керак, йилдан-йилга мижозлар сони ҳам кўпайиб бораётир. Масалан, жорий йилнинг 1-ярми давомида уларнинг сони 74 тага кўпайиб, ҳозирда жами 454 та ҳўжалик субъектларига хизмат кўрсатишмоқда. Аҳамиятлиси шундаки, мижозларнинг аксариятини кичик ва ўрта бизнес ҳамда қишлоқ ҳўжалиги тармоғи вакиллари ташкил этади. Бўлим томонидан 2005 йилда галла ҳосилини етиштириш учун 78 та фермер ҳўжалигига 27 миллион 777 минг сўм имтиёзли кредит маблағи ажратилди.

Мўл ҳосил етиштириш учун ўз вақтида маблағ билан таъминланмаслик қўлланган натижадан бермаслиги мумкин. Филиал томонидан ана шундай ҳўлларга йўл қўймаслик учун талайгина саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Пахта ва галла ҳосилини етиштиришга ажратилган маблағлар минерал ўғитлар, ёқилги маҳсулотлари, уруғлик чигит олиш, МТП хизмати, биомасулотлар ва эҳтиёт қисмлар олишга сарфланди. Ҳудуддаги 12 та оилавий тадбиркорга қарийб 12 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди. Уларнинг 6 нафари аёллардир. Қувонарлиси шундаки, мазкур маблағларнинг ажратилиши туфайли 45 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, банк томонидан ўз ресурслари ҳисобидан 162,6 минг сўм миқдорда киска муддатли кредит ажратилди. Шунингдек, банк бўлимида 18 та бюджет ташкилотига хизмат кўрсатилиб, ходимларнинг ойлик маошлари ҳамда барча ижтимоий тўловлар ўз вақтида тўланмоқда.

бири, аҳолининг бўш пул маблағларини банк жамғармасига жалб этиш бўйича ҳам талай ютуқларга эришилди. Мижозларнинг банк муассасаларига бўлган муносабати яхшиланаётгани ҳам ана шулар сирасига киритиш мумкин. Хусусан, 2005 йил ярим йил ҳўлатига кўра, аҳолидан банк омонатига жалб қилинган бўш пул маблағи миқдори салкам 115 миллион сўмни ташкил этади. Бу эса жорий йил бошидаги қараганда 20 миллион 636 минг сўм кўп демакдир. Шундан муддатли омонатлар 6 миллион 175 минг сўмга ўсди. Пластик қарточкалар турли жаҳазларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Филиал томонидан шу кўнчага 328 та пластик қарточка тарқатилиб, асосий мижозлар пахта тозалаш корхонаси, «Қишлоқхўжаликким» ҳиссадорлик жамияти, ширкат ҳўжаликчилари, МТП ходимларидир. Йил охиригача жами 928 та пластик қарточкани ўз эгаларига етказиш мўжжалланган.

О.ЭРГАШЕВ, «Ишонч» мухбири



Охунбобоев туманидаги «Қайилма» маиший хизмат коллежи замонавий қиёфага эга бўлди. У 520 миллион сўм маблағ эвазига қайта таъмирланди. Кўркем, барча қулайликлар мавжуд бўлган ушбу ўқув масканида 180 нафар талаба тўрт мутахассислик бўйича таълим олмақда. Уларга ўз соҳасининг билимдони, тажрибали ўқитувчилар пухта билим бераётир.



ПУХТА БИЛИМ — КЕЛАЖАККА ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

Яна эътиборли томони шундаки, бу ерда янги ўқув жиҳозлари асосида ўқитиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис лингафон, компьютер хоналари, химия, физика ва бошқа фан кабинетлари бугунги кун талабига жавоб беради. Ўқувчиларга пухта ва мустақкам билим бериш, уларнинг изла-

нувчанлиги ва қизиқишини орттириш мақсадида коллеж ўқитувчилари ҳам ўз устида ишлаш ва машгулотларни қизиқарли ўтказишга эътибор қаратишти. Бу жараён эса янги ўқув йилининг дастлабки кунларида-

Саволларингизга Шовот туманларо фуқаролик судининг раиси Зарифбой Қурбонов жавоб беради

САВОЛ: Қандай ҳолларда эрининг никоҳдан ажратиш тўғрисида талаб қўйиши маъъ этилади? Шунингдек, никоҳдан ажралганлик қандай расмийлаштирилади?

А.САИДОВ, Хива тумани ЖАВОБ: Оила кодексининг 39-моддасида айтилишича, хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр-хотиннинг қўлигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

43-моддага асосан, агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнат лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибиде ажратилади.

ган кундан бошлаб уч кун ичида суд никоҳ тузилгани рўйхатда олинган жойдаги фуқаролик ҳолати да-лолатномаларини қайд этиш органига ушбу қарордан кўчирма юбориши шарт. (47-модда)


Никоҳдан суд тартибиде ажратилаётганда эр ва хотин воёга етмаган болалари ким билан яшashi, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни қўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

САВОЛ: Эр-хотиннинг мулкий низоиси бошқа шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд томонидан ушбу масала қандай ҳал қилинади? Никоҳ тўғрисида қандай қарор чиқарилади? Никоҳдан ўтиш пайтида хотин фамилиясини ўзгартирган бўлса, никоҳдан ажратиш пайтида бу масала қандай ҳал қилинади?

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўрта-сида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек, ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатла-

Х.ҚОРИЕВА, Китоб тумани ЖАВОБ: Молк-мулкни бўлиш учини шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади. Оила кодексининг 44-моддасига кўра никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш қўриб чиқилаётганда тўйини ўтказишга кетган сарф-ҳаражатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



рига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд; никоҳдан ажратилгандан кейин воёга етмаган болалар ота-онанинг қайси бири билан яшашини аниқлаши; воёга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаш; эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг баргаликдаги мулк бўлган мол-мулкни бўлиши; эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори нусхаси, никоҳдан ажратганлик тўғрисидаги гувоҳномага тенглаштирилади. Ҳал қилув қароридан нусха беришда ушбу Кодекснинг 45-моддасига мувофиқ давлат божи ундирилганда ҳамда паспортга ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга никоҳдан ажратганлик ҳақида белги қўйилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга кирган кундан бошлаб никоҳ туғатилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори нусхаси, никоҳдан ажратганлик тўғрисидаги гувоҳномага тенглаштирилади. Ҳал қилув қароридан нусха беришда ушбу Кодекснинг 45-моддасига мувофиқ давлат божи ундирилганда ҳамда паспортга ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатга никоҳдан ажратганлик ҳақида белги қўйилади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга кирган кундан бошлаб никоҳ туғатилади.

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: 1.Ўқитувчиларга табиий газдан кўмир ўрнига имтиёзли бойдаланишга рухсат этилади-ми?

Д.ЭШМАТОВ, Фориш тумани. ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақиқи тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига, компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонга биноан энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлаб келинади.

2005 йилнинг 1-майидан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақиқи тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари энг кам иш ҳақиғи нисбатан табақалаштирилган миқдорларда бериладиган шахсларга имтиёзли тоифаларнинг янгиланган рўйхати асосида иш ҳақиғи қўйиб берила бошланди. Демак Сизнинг ҳам иш ҳақингизга пул тўловлари қўйиб берилади.

САВОЛ: Мен 1975 йилдан то 2005 йилгача кутубхонада кутубхоначи бўлиб ишлаганман, бироқ стажингни етмайди, деб мени имтиёзли пенсияга чиқаришмаяпти, шу тўғрими?

Ф.ЖУМАЕВА, Касби тумани. ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддаси «к» бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари — махсус иш стажы 25 йил бўлган тақдирдагина умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1,2 ва 3-руйхатлари тасдиқланган. 3-руйхатнинг VII қисми 2-бандига мувофиқ кутубхоначилар, кутубхона мудури ва шўъба мудурилари юқориде айтиб ўтилган шартларда имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин.

2.Ўғлим университетда ўқийди. Талаба. Қелинми ҳеч қерда ишламайди. Суюнчи пули ва боласи 2 ёшга тўлганга қадар берилади-ган бола пули қерда берилади? М.ЮНУСОВА, Урганч шаҳри. ЖАВОБ: 2.Келиннингиз суюнчи

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекбанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Рахимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИП 204563716 ўтказилади. Қўшимча маълумотлар учун Республика Қўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Қора-Қаниш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А»-уй, Республика Қўчмас мулк биржаси боиноси, 2-қават 207-хона.

Футбол ФАХРИЙЛАРИМИЗ ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Москвдаги «Лужники» уйингоҳида бўлиб ўтган хотира турнирида Ўзбекистон фахрийлари терма жамоаси бош кўбокни қўлга киритди. Бу ҳақда УФФ ахборот-таҳлил бўлими хабар берган. Юртимиз мустақиллигининг 14-йиллигига ҳамда «Пахтакор-79» футбол жамоаси хотирасига бағишланган ушбу учрашувда собиқ иттифоқ фахрий футболчилари терма жамоасига қарши тўп сурган фахрийларимиз муносиб иштирок этди.

Авалгига Россия фахрийлари билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган фахрийларимиз, кейинги уйинда «Росич» жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдирди. Уйинларда Биродар Абдураимов, Ринат Дасаев, Георгий Ярцев, Азамат Абдураимов сингари мозий юлдузлари иштирок этди.

«НАСАФ» БОШ МУРАБИЙСИЗ ҚОЛДИ

Ўзбекистон чемпионати пешқадамларидан бири Қаршининг «Насаф» жамоаси бош мурабийи Олег Морозов ўз лавозимидан овоз этилди. Бунга жамоанинг сўнги пайтдаги кетма-кет мағлубиятлари сабаб

қилиб кўрсатилган. Айниқса, «Трактор»га бой берилган уйин, клуб раҳбарияти сабр қосасини тўлдирган кўринади.

Олег Морозов «Насаф»га келгач, жамоа биринчи ва иккинчи давра баҳсларида узок вақт пешқадамлик қилди. Шу вақтга қадар унга ёрдамчилик қилиб келган Зоир Тўрақулов вақтинча бош мурабийи вазифасини бажариб туради. Навбатдаги турда яъни бугун «Насаф» Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлади.

ВИЕЙРА ИМКОНИАТ ҚОЛДИРМАДИ

Италия «А» сериясида «Ювентус» жамоаси карвонбошичилиги давом эттирмоқда. Ўтказилган тўрт учрашувдан сўнг улар ҳисобиде 12 очко бор. Сўнги турда




«Удинезе» майдонида меҳмонда тўп сурган туринликлар Патрик Виейра томонидан киритилган сўнг эвазига галабага эришилди. Чемпионлик баҳсида асосий даъвогарлардан саналмиш «Милан» ҳамда «Интер» жамоалари ҳам зафар қўчдилар. Ўтган турда «Сампдория» жамоасига ютказиб қўйган Карло Анчелотти шогирдлари, Сан-Сирода Римнинг «Лацио» жамоасини қабул қилиб, уйин бошидан оғол киритишга муваффақ бўлдилар. Шевченконинг яқин бурчак томон телган кучли зарбасини дарвозабон қайтара олмади. Иккинчи тўп муаллифи бразилиялик

Кака бўлди. Чемпионатдаги иккинчи галабасидан сўнг «россонерлар» турнир жадвалида 8 ўринга кўтарилди. Меҳмонда «Кьево» жамоасини 1:0 ҳисобида енгган «Интер» футболчилари икки поғона юқориде жойлашган. Турнир жадвалининг иккинчи поғонасида бораётган «Фиорентина» вакиллари сафарда «Лече» жамоасини 3:1 ҳисобиде тор-мор этди.

ЖИЛБЕРТУ «АРСЕНАЛ» ДА ҚОЛАДИ

«Арсенал» жамоасининг бразилиялик таянч ярим ҳимоячиси



Жилберту Силва ўз жамоаси билан шартномасини 2009-йилгача узайтирди. Бу ҳақда Англия ОАВлари хабар тарқатган. Лондонликлар бу йил ёзда икки етакчи футболчиси — Эду («Валенсия») ҳамда Патрик Виейра («Ювентус»)дан айрилгандан сўнг ушбу футболчини жамоада сақлаб қолишни асосий вазифаси деб билди. Ҳозирда Силва жамоада Арсен Венгернинг ишонган шогирдларидан бири саналади. Марказда ҳаракат қилаётган футболчи, шерғи ёш испан Францеск Фабрегас билан ёнма-ён туриб нафақат рақиблари ҳужумини қайтаряпти, балки тез-тез ҳўжмага ҳам ўтаяпти. Эслатиб ўтамиз у «Арсенал»га 2002-йилдаги жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашуvidан сўнг ўтган эди.

Спорт оламида

Бокс ЖАРОҲАТ КУЧЛИ ЭДИ

Бокс бўйича собиқ жаҳон чемпиони Левандер Жонсон мексикалик Хесус Чавес билан жангда оғир жароҳат олган эди. Бош миясидан жароҳатли муолажаларини олган бўлишига қарамасдан, у Лас-Вегасдаги касалхоналардан бирида ҳаётдан кўз юмди. Шифокорларнинг барча уринишлари қарамасдан жароҳат ўз таъсирини кўрсатди.

Теннис КОРТГА ТУШМАСДАН ЮТҚАЗДИ

Хитой очиқ чемпионатида қатнашаётган америкалик Винус Уильямс сўнги паллада чорак финал учрашувиде майдонга тушишдан бош торди. Бунга унинг оёғидан олган жароҳати сабаб бўлган. Уильямсларнинг қатнаси польшалик Марта Домаховский билан кортга тушуши лозим эди. Энди биринчи ярим финал ҳуфтлиги маълум бўлди. Унинг ярим финалдаги рақибни германиялик Анна Гренефелддир.



Мустақиллик йилларида солиқ тизимини тақомиллаштириш орқали иқтисодни ривожлантириш, пенсия омер ва нафақахўрларни ўз вақтида нафақа билан таъминлашга эътибор қўлайди. Шунинг билан бир қаторда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириш ҳамда уларга барча шарт-шароитлар яратиб бериш борасида бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Лекин, ушбу қарамасдан енг чинда иш қўриб, шахсий манфаатини ўйлаётган «тадбиркор»лар ҳам йўқ эмас. Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган текшириш жараёнида ана шундай учарлардан бир нечасининг ноқонуний фаолияти ошкор бўлди. Масалан, «Ситора» хусусий фирмасига қарашли дўконда спиртли ичимликлар билан савдо қилаётган сотувчи М.Уринов харидорга хизмат кўрсатиб, назорат қасса машинасидан харид чеки бермаган. Бундан ташқари, ушбу дўконда кирим ҳужжатлари мавжуд бўлмаган

Қонун барчага баробар

корхонасида ишловчи Нодир Исмаилов харидорга минг литр вино спиртли ичимлигини 345,0 минг сўмга сотганлиги аниқлан- лум бўлди. Ушбу корхонага нисбатан 227,5 минг сўм миқдорда молиявий жарама қўлланилиб, тўплаган ҳужжатлар туман прокуратурасига қонуний ҳолат кузатилди. А.Ҳайдаров «PINE» ва «XON» сигаретларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз савдо қилаётган вақтида қўлга тушди. Унга тегишли бўлган 89,3 минг сўмлик маҳсулот далилий ашё сифатида олинди, чора қўриш учун прокуратурага юборилди. А.АХМЕДОВ, Урганч туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

РЕСПУБЛИКА ҚЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2005 йил 29 сентябр ва 6 октябр кунлари соат 11.00. да Республика Қўчмас мулк биржасининг боиносида аукцион комиссияси иштирокида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам қадам ошиши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такороран «Ўзбектўқимаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: 1.«КамАЗ-54112» русумли, давлат рақами 10 АR 838, 1987 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси — 4 561 000 сўм. 2.«КамАЗ-54112» русумли, давлат рақами 10 АY 672, 1987 йилда ишлаб чиқарилган бошланғич баҳоси — 4 561 000 сўм. Шунингдек, 2005 йил 27 октябр ва 3, 10 ноябр кунлари

қуйидаги объектлар қўйилади. 1.Тошкент шаҳар, Собир Рахимов тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган «Пахта нефт базаси» унитар корхонасига қарашли 2-сонли мой алмаштириш шохбчаси. Бошланғич баҳоси — 5 894 300 сўм. 2.Тошкент шаҳар, Собир Рахимов тумани, Шифокорлар шаҳарчасида жойлашган «Пахта нефт базаси» унитар корхонасига қарашли 12-сонли мой алмаштириш шохбчаси ва дўкон боиноси. Бошланғич баҳоси — 21 588 200 сўм. Аукцион савдолари бўйича харидорлардан арзизаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориде закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекбанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Рахимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000804265383001, КОД-00901, СТИП 204563716 ўтказилади. Қўшимча маълумотлар учун Республика Қўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Рахимов тумани, Қора-Қаниш 2/4 даҳаси, М.Ўразбоев кўчаси, 1 «А»-уй, Республика Қўчмас мулк биржаси боиноси, 2-қават 207-хона. Маълумот учун телефонлар: 136-15-28, 399-80-23. Факс: 136-06-17.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Илҳом САҚЛА

Эраб, ўзлигини бозгандан сақла, Ҳар жойда дарбадар кезгандан сақла.

Ҳар отар отмасга ўзи аямай, Анордай бешафқат эзгандан сақла.

Сароблар йўлида бир умр гувроҳ, Гуноҳларни савоб сазгандан сақла.

Маломат ўқини қасд хуморинда, Кўзадаги киприкдай тизгандан сақла.

Ишқ мулкинда ишқсиз, илнжлар излаб, Ҳар кун минг режа тузгандан сақла.

Умр охирида, сўнги манзилда, Ўқиниб, йиғлаб ер чизгандан сақла.

КИМ У?

Хитойлик қадимшунослар одам ва чўчка бирга кўмилган қабр топишибди.

(Газета хабарларидан)

Ким у чўчка билан қабрда бир ётган, Ким у бунчалик зўр туғноҳга ботган?

Балки у шайтонга қул бўлган шўрлик, Чўчкага сизниб қилгандир кўрлик.

Балки у нафсини мўқаддас билган, Ва қавмига ёмон хийнат қилган.

Эҳтимол юрагин сугурган ёрни, Балки тепкилаган кўҳна мазорни.

Минг ўйлаб не десанг ҳамки барибир, Ўлган кимсага бу олий жазодир.

Тўртликлар

Ғам эсли одамга ғамсизликдандир, Бедорлик ҳеч надан камсизликдандир. Огоҳлик — кўнглининг жамлиги бўлса, Лоқайлик хотира жамсизликдандир.

Омад шомол эмас, бир дайди олмас, Бахт ҳам, ёмғир ҳам бекорор солмас. Бахт-омад савобнинг олтин тождир, Гуноҳкор кимсага у яқин келмас.

Сотим АВАЗ


Турфа олам

ЧУЧУК СУВЛАР

Ер ости чучук сувлари ер усти чучук сувларидан кўп. Сув ер остидаги нам сақлайдиган қаватларда турли муддатларда масалан, бир неча ҳафтадан бир неча минг йилларгача тўйинади.

Шу боисдан ер остида олинадиган сувларнинг «ёши» бир хил бўлмайди. Жумладан, Қирғизистон ер ости сувлари 3-4 ойда янгиланиб туради. Харьков ва Полтавада ер ости сувларининг «ёши» минг йилдан кам эмас. Сочи атрофидаги Мацеста курорти шифобахш сувининг «ёши» эса бир неча миллион йил деб тахмин қилинади.

А.АЛИЕВ



Ўқинг, фарзандларингиз ҳам ўқисин!

Ўзингизни ҳеч четдан туриб қузатганмисиз? Қалб-бингизга худди бегоналардек назар ташлаб, унинг ичкарисини кўра олганмисиз, ҳеч?

Баъзан шундай қилишга тўғри келади. Негаки, инсон ўз виждони олдида тез-тез ҳисоб бериб туришга оdatланмоғи керак. Яхшиси, сиз ҳар кун эрталаб ўз-ўзингиздан сўранг: «Мен кеча тўғри иш қилдимми? Кимни ранжитдим? Кимга яхши сўз айтдим? Қандай хатоликка йўл қўйдим?» Ана шунда бир кун аввалги воқеалар кўз ўнги-гиздан бирма-бир ўта бошлайди. Кўнглингиз тўлса, енгил тортасиз. Кўнглингиз тўлмас-чи? «Мен кечаги хатони бугун такрорламадими керак!» деган биргина сўз хаёлингиздан кечади. Аслида шу биргина сўз Сизнинг бугунги кунингизни белгилайди.

Америкалик адиб Дэйл Карнегининг машҳур асаридagi қаҳрамонлардан бири шундай дейди: «...Ўзига берилган топшириқни ёддан чиқаргани учун мен қизимни бир ҳафта семвили машғулотида озоқ қилдим. У шу вақт ичида кўчага ҳам

ўзгалар қўлидан шампан ичадиган бўлдингми?» дея дўқ уради. Келин ҳам намадир дейди. Шунда куёв қаттиқ қизишиб келинчақнинг юзига шапалоқ тортади. Келин қичқириб юборади. Столдагилар ўрнидан туриб кетади. Даврага совуқ жимлик чўқади.

«Қанақа бола ўстирган-сизлар, биринчи кунданок қизимни ҳаммамнинг олдида шарманда қилди, - дейди қизнинг онаси йиғлаб.- Менин қизим кўчада қолгани йўқ, шуни билиб қўйинг!»

«Хали ёшда, ўғлимизни кечиринг, куда, - дейди йигитнинг отаси. - Шунақа

ва шу мақолани қоралашимга сабаб бўлган бир суҳбатни айтиб ўтаман. «...Аниқ эслаймиз, ўшанда ўн тўрт ёшда эдим, - дейди суҳбатдошим. - Таътил бошланг бекор қолдик. Қишлоқ ичи жимжит, ҳамма дала ишида. Идоралар ёпиб қўйилган. Биз икки-уч бола қишлоқдаги медпунктга ўғрилдик кирмоқчи бўлдик. Ўшанда оддий бир медпунктдан нима ўғирлаш мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Бу иш бизга қизиқ бўлиб туюлган, холос. Хуллас, дераза ойнасини синдириб, ичкарига кирдик. Ўзимизча нималарнидир «ўмардик». Аммо ўша кун кечкурун қилмишимиз ошкор

ХАТО ҚИЛМА, ЎҒЛИМ...

қизиққонроқ феъли бор. Қиз томон кечиради.Тўй давом этади. Келиннинг юрагига мунг чўқади, асраб юрган соф туйғуларига завол этади.

«Тўй кечаси нега шундай кўнглисизлик юз беради?» дея ўйлайсан беихтиёр. Бунга сабаб, ота-онанинг ўғлидаги «қизиққонлик»ни қайта-қайта кечириб келгани эмасмикин?

Иккинчи воқеа. Ўғил уйлангач, шаҳар марказидан ижарага уй олиб кўчиб чиқади. Қишлоқда қолган отаси кўксайиб кучдан кетган, онаси касалманд эди. Ҳовли девори эса тутдай тўқилган. Хонадонда яна бир бўйқиз бор, лекин унинг қўлидан нимаям келади. Бир гал ўғил келганда «Деворни яхшилаб суваб, эшикни қайта ўрнатиб бергин»- дейди ота.

«Хўп, майли. Сиз бу учун менга қанча ҳақ тўлайсиз?»- дейди ўғил.

«Ие, сен ўз ховлингга ишлаганинг учун мендан пул сўрайсанми?» - Бўлмас-чи, ҳозирги кунда бунинг айби йўқ, ота. Ахир ижарада яшаётган бўлсан...

Шу кун ота-ўғил савдолашади. Ўғил келиби ишни битиради. Ота унинг эшикни унинг пул тўлайди. Бу воқеа бир қарашда сал оддийроқ туюлар. Лекин, ким қандай хатога йўл қўйди? Ўғил отаси олдидаги фарзандлик бурчини тўла англаб етмаган экан, ота бошқароқ йўл тутти зарурмасми? У четдан уста ёллаб, ховлини тузатириганида, балки бу ўғлига катта сабоқ бўлар ва шунда юз беражак кўп хатоликларнинг олди олинармиди?!

Ешлиқнинг хатоликлари чиндан ҳам «кор зарраси сингари» ҳаётимизга синглик кетаётганими? Демак, қор зарраси сингари хатолар ҳам беавад, такрор-такрор ўз бераверарканди! «Биринчи қадамни тўғри қўй!» деган эски гап ҳам бор. Биринчи қадам... Ҳаётга, оилга ва адо этилажак жамикки бурчлар сари қўйилган биринчи қадам тўғри бўлса, яшаш осонроқ кечади. Ботиний муаммолар, изтироблар юкдан виждон азоб чекмайди. Дарвоқе, виждон... У - хўшрўми? У - тирикми? Менимча, қачонки хатолар осонликча кечирилса, виждонимиз ухлоқлигича қолаверади. Ваҳоланки, виждон хатони ҳис этиши керак!

Мен яқинда эшитганим

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Ҳеч бир киши иккинчи бир одамдан бирор нарса билан афзал эмасдур, магарам афзал бўлса дини ва яхши амали билан афзал бўлади. Кишини ўятсиз, бахил, кўрқок бўлгани ёмон одам эканлигига далил бўла олади.

Тежаб сарфлаган киши камбағал бўлмайди.

Одамлар кўриб қолишини ёмон кўрган ишининг улардан холи бўлганда ҳам қилма.

Яхши суҳбатдош атирфурушга ўхшайди. Агарчи атридан бермасга ҳам сенга хушбўй ҳиди ётиб туради.

Одамларга яхшиликни ўргатиб, ўзини эсидан чиқарган олим - кишиларга ёрғулик бериб, ўзини куйдирган чироқ пилигига ўхшайди.

Илмини ўрганиб, уни ҳеч кимга айтмаётган одам - бойликни тўллаб, уни ҳеч сарф қилмаётган бахилга ўхшайди.

Яхшиликка буюринглар агар ўзларингиз қила олмасаларингиз, ёмонликдан қайтаринглар агарчининг ҳаммасидан ўзларингиз четлана олмасаларингиз ҳам.

Отангиз дўсти билан дўстлик алоқасини давом эттиришни отангиз қилинган яхшиликдан ҳисобланган.

Касал кўришининг мукамал бўлиши касалнинг пешонасига қўлингизни қўйиб: «Холингиз қандай», - деб сўраш биландир ва кўришининг тўлароғи мусофаҳадир, яъни икки қўлга силкитиб кўришишдир.

Кишининг беҳуда гап-сўзини тарк этмоғи яхши инсонлиқдандир.

Кимга бир бало келса сабр қилса, нёмат келса шукур қилса, зулмианса кечирса, ўзи зулм қилса кечирини сўраса - улари ҳидоятли кишилардур.

Кимки одамлардан қарз олаётган пайда ниятида бериш бўлса, уни адо этади. Кимки еб кетиш мақсадида олса, унинг молига талофат этади.

Кимники бир мансабга қўйсак ва унга бир маша тайинласак, ўшандан ташқари олган нарсаи ўғирликдур.

«ХАДИС» ДАН

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Жиззах вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Нусратилла Пардаевга онаси

НОРМОМОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади

Ўзбекистон Аграрноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Жиззах вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Нусратилла Пардаевга онаси

НОРМОМОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади

Ўзбекистон таълим вафан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши Фаргона вилоят кенгашининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими муддир

АҚБАРЖОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор этади

Аграрноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши Самарқанд тумани қасаба уюшмаси кенгашининг бош ҳисобчиси Ражаб Шариповга акаси

ХОЛМАМАТ ШАРИПОВнинг бевақ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади

ЧП «Пайзиев М.М.» имевт намеренно приобрести акции ОАО «KIUM», расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Тал-Арык, 36, в количестве 125 037 штук - простых именных, что составляет 25,01% к общему объему Уставного фонда ОАО «KIUM».

НОГИРОН БОЛАЛАР СПОРТ МУСОБАКАСИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда нафкат солом, балки жисмонан имкониятлари чекланган ногирон болалар спортни ривожлантиришга ҳам алоқадар эътибор қаратишмоқда.

Жумладан, ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда ногирон болалар ўртасида спортни ривожлантириш ва уларни мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун кўплаб имкониятлар яратиб берилиши анъаная айлиниб бормоқда. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги 2-сонли болалар муруват уйида ҳам ана шундай спорт байрами ташкил этилди. Иккинчи олимпиада уйларида мамлакатимизнинг Қашқадарё, Фаргона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги муруват уйи тарбияланувчилари ўзаро баҳс олиб боришди. Даставвал, мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда иккинчи сонли болалар уйи тарбияланувчилари ўзлари тайёрлаган концерт дастурларини намойиш этишди. Жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган болалар томонидан ижро этилган кўй-қўшиқлар спорт байрамига йиғилган меҳмонларга манзур бўлди. Ҳар бир давлат келажакни ўйлаб болалар соғлиғига катта аҳамият беради, зеро мустақил Ўзбекистонимиз келажакги ўсиб келаётган ёш авлоднинг қўлидадир. Уларнинг соғлиғига бугундан эътибор берадиган бўлсак, келажакда улардан ўз ватани ва ўз юрти учун содиқ фарзандлар етишиб чиқади, албатта.

«Туркистон-пресс»

Хизматчи ишга келиши билан келипти ва хўжайинига шундай баҳона кўрсатилди: - Кечаси хотиним ёмон кийналди - боланинг тўғилиши қийин бўлди. Уч ҳафтадан кейин хизматчи яна кеч қолди ва яна ўша вақтни кўрсатди: - Кечаси хотиним ёмон кийналди - боланинг тўғилиши қийин бўлди. - Нима бало, хотинингиз қўйини ҳар ойда туғадиган? - Йўқ, доя!

Хотини: - Эраклар ҳақида ажойиб бир мақола ўқидим. Муаллифнинг айтишича, уйлангандан кейин эраклар анча ақллироқ бўлиб қоларканлар. - Шундоқку-я, лекин фурсат ўтиб кетган бўлади-да...

Автомобилингизни ҳақиқатан ҳам мана шу айланувчи одам ўғирлаганига ишончингиз қомилми? - деб сўради оқловчи жабрдийдадан. - Сизнинг нутқингиздан кейин умуман, менда автомобил бўлганига ҳам шубҳаланиб қолдим.

Қабристонда бир одам тиз чўқан ҳолда кўзларидан ёш билан турипти. Утиб кетаётган одам раҳмдиллик билан сўрайди. - Нима бўлди, афандим, нега йиғлаясиз? - Мен «агар ўлсанг, мен ҳам кетингдан жон таслим қиламан» деб хотинимга ваъда бергандим. Энди ваъдамни бажаролмаяпман.

ҲАМ ШАБАССОН

Ким ҳалақат берапти? - Иккинчи хотиним. Мен унга ҳам шундай ваъда берганман, у эса ҳаёт. Нима оложим бор менин?

Газетада юз ёшга кириш учун нима ишлар қилиш кераклиги ҳақида зўр мақола босилди, - дейди эр хотинига. - О, шунақами! Қани, бeringчи, мен ҳам ўқиб чиқай...

Хо-о, ёқмай қолсин. Мен уларни ҳаммасини сотиб олиб, ёқиб юбордим.

Инспектор қаллоб овчини жиноят ўрнида ушлаб олди. - Бу ерда нима қиляпти...

сиз? - деди инспектор таҳдид билан. - Ов қилиш ман этилганидан наҳотки бехабар бўлсангиз?

Бошимга мусибат тушиб қолди, - деб жавоб берди овчи. - Мен ўзимни отмоқчи эдим, лекин қўлим қалтираб кетиб, ўқ ўрдакча тегди.

Бу жиноятчини ушлаш учун қийин бўлмади, - деб ҳикоя қилди полиция инспектори оилавий даврада. - У сейфини бузди, у ердан пулни олипти, икки шиша вискини ичипти, сигарета чекипти, лекин бармоқларининг изини топиш жуда қийин кечди. Шундай бўлса-да, барибир топдик.

Шиваданми? - Йўқ. Асфальт устидан.

Аллақандай кўппак учун беш минг сўм сўрайсизми? Яна кўзига бир бало бўлган - қаранг, нуқул кўзини пирпиратадим-эй? - Э, у жуда ҳам арзон сотиб юборма, деб менга ишора қилляпти...

Во, ажаб, фасллар чархифалакдек айланиб тураркан. На чора, қиш яна ўзлигини этди намён; яна совуқ, яна дарахларда булдурду. Кўппакда дийдораш. Ақлу ҳудуда мунчалар ҳам эканман-ё хом Келганда ёз қурволаман маскани ором.

ВОЙ-БҮ...

Далонга кимдир кирди, очикқан сизиг маърагандек товуш таралди: - Бек ота, ў-ў, Бек ота!!! Ота чикди, рубарў бўлди унга: - Келинг, жиян, келинг! Хизмат? - Озгина қоратолмиш бор, атиги саккиз тупгина. Шуни каллақаммоқчидай. Болтангизни бериб турсангиз.

Ҳимм, болта денг-а, бор, бор. Кўрганга кўз ҳақи тиламасангиз бўлди. Қани юринг! - Ховлисининг этагиди асбоб-ускуналар турадиган, томи лойсуюқ айвончага бошлади. - Анави теши, кўрясиз-а, олмосдек кескир, кечагина чархлатиб-келдим. Енидагиси қўлболта, тошни

Во, ажаб, фасллар чархифалакдек айланиб тураркан. На чора, қиш яна ўзлигини этди намён; яна совуқ, яна дарахларда булдурду. Кўппакда дийдораш. Ақлу ҳудуда мунчалар ҳам эканман-ё хом Келганда ёз қурволаман маскани ором.

Масаллар кесади десам, лофи йўқ. Шифтда илиғлик турганлар - арра ўроқ-ранда, хаскаш, чалғи ва ҳоказо. Ҳаммаси рўзгорга вақти-вақти билан керак бўлиб туради. Шунинг учун, бироваг зорикмай деб бут қилиб қўйганман. - Менга фақат болта керак. Шошилиб турибман, олаверайми?!

Мен сизга кўрсатдим, холос. Бера-бера таъзимини еганман. Қанчасини йўқотдилар, қанчаси тўқол ҳўкизнинг шохи бўлди. Қеракми, темирчиға бoring, айтганингизни ясаб беради. - Вой-бу, мунча хасис бўлмасангиз! - Сиздан қарзим йўқ-а? - А, йўқ. - Унда мени ишдан қолдирманг, дарвоза очик! - Вой-бу, битта болта кимни ўлдирибди-а!

Масаллар

Масаллар кесади десам, лофи йўқ. Шифтда илиғлик турганлар - арра ўроқ-ранда, хаскаш, чалғи ва ҳоказо. Ҳаммаси рўзгорга вақти-вақти билан керак бўлиб туради. Шунинг учун, бироваг зорикмай деб бут қилиб қўйганман. - Менга фақат болта керак. Шошилиб турибман, олаверайми?!

Ямин ҚУРБОН

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ҳулом ЮСУПОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорья Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир) Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (Бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Довериё»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибонлар: 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўяхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида бошланди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.